СССР Давлат матбуот қўмитаси
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот давлат қўмитаси
1-2 1,297

Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 8 ноябрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 86 (6982)

Da'vat

Ўз вақтида, меъёри билан бадантарбия қилган одамга дард яқин йўламайди.

Ибн СИНО.

Ibrat

Нукус шаҳрида янги рассомлик ва амалий санъат лицейи очилди. Лицейга қабул қилинган 80 нафар ўқувчига тажрибали, ўз касбининг устаси бўлган мутахассис кадрлар таълим-тарбия беришади.



Ўқитувчилар ва мураббийлар куни арафасида Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги Файзулла Хўжаев номидаги 9-ўрта мактабнинг рус тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Бешим Темировга ҳам Президентимиз Фармони билан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони берилди.

— Бу унвон, — деди Б. Темиров, — фақат менгагина эмас, балки жамоамизга билдирилган ишонч, шу билан бирга катта масъулиятдир.

Дарҳақиқат, айни кунда устоз бутун куч-ғайратини ёшлар камолотига бағишламоқда. Зеро, келажак иқтидорли ёшлар қўлидадир.

Суратда: Б. Темиров ўқувчилар билан навбатдаги машғулотни олиб бормоқда.

Зикрилла Раҳматуллаев олган сурат.

Hunar ta'limi

ХАЛҚАРО СЕМИНАР

Замон ўзгаряпти. Иқтисодий ҳам сиёсий ўзгаришлар бевосита маънавият ва маърифатда ҳам янгича қарашга ундаяпти. Шу мақсадда давлатимиз таълим ва тарбияга алоҳида рағбат кўрсатаяпти. Бу нафақат мактабда, балки ҳунар-техника билим юртларида ҳам ўз аксини топмоқда. Сир эмас, бундан бир неча йиллар бурун таълимнинг бу босқичига муносабат мутлақо салбий эди. Шу сабабдан ҳам 9-синфни зўрға тамомлаган мактаб ўқувчилари мажбуран унга жўнатиларди. Таълим ҳам, тарбия ҳам ўзига яраша бўлган бу масканда кўпчилик ёшларимиз «ҳунар» ўрганишарди. Юзага келган бу ҳол соҳада анча ислоҳотларни қилиш лозимлигини тақозо этди. Натижада ҳунар-техника билим юртларига бўлган талаб ихтиёрий равишда анча ортди. Айниқса хориж давлатларидаги шу соҳа ютуқларидан унумли фойдаланиш ва улар билан ҳамкорликда иш олиб бориш фойдадан холи эмаслиги бугун кўпчиликка равшан бўлиб қолди.

Ана шундай йирик халқаро анжуманлардан бири 4 ноябрда ҳунартехника таълими ходимлари малакасини ошириш институтида ўз ишини бошлаб юборди. Республикамизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган ўқув юртлари раҳбарлари ва услубхона директорлари иштирокидаги ушбу анжуман то 13 ноябрга қадар давом этади. Бу ўқув-семинари Германиянинг «Халқаро ривожланиш жамғармаси» билан ҳамкорликда ўтказилаяпти. «Тижорат ва ишлаб чиқариш иқтисодий стандартларини интеграциялаш йўли билан ҳунармандчилик касбларида янги малакаларни ҳосил қилиш» мавзуидаги ушбу анжуманни германиялик доктор Хабиб, Дрюге ва Мюде хонимлар олиб боришмоқда. Семинар очилишида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари Х.Маъсудов иштирок этди. Шундан сўнг семинарнинг асосий мақсади ҳақида ҳунар таълими илмий тадқиқот институти директори, иқтисод фанлари номзоди Ҳ. Рашидов қисқача таъкидлаб ўтди. Семинар илк куниданоқ иштирокчиларнинг мунозараларига бой бўлди.

Б. ХУСАНБОЕВ.

«ҚУВНОҚ СТАРТЛАР» —

ҲАР БИР ЎҚУВЧИ ҚАТНАШАДИГАН МУСОБАҚА

Республикамизда 27 йилдан буён ўтказиб келинаётган республика «Қувноқ стартлар» телевизион мусобақалари миллионлаб томошабинлар меҳрини қозонди. Ёшларнинг чақконлик, абжирлик ва спорт маҳоратларини намойиш этишларини ўқувчиларгина эмас, катта ёшдагилар ҳам завқ билан томоша қилишади.

Жисмоний тарбия ва спортни янада кенг кўламда ривожлантириш масаласи ҳозирги кунда долзарб вазифалардан бўлиб турибди. Ўтган ўқув йилидан бошлаб касб-ҳунар мактаблари ва лицейлари ўқувчилари ўртасида республика «Қувноқ стартлар» телевизион мусобақаларининг жорий этилганлиги ва дастлабки телемусобақалар якунланганлиги телетомошабинлар ёдида бўлса керак.

Шу йилнинг июль ойи охирларида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси ва халқаро «Қувноқ стартлар» мусобақасини умумтаълим мактаблари ва лицейларида ўтказишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қўшма қарори чиқарилди ҳамда мусобақаларни ўтказиш ҳақидаги Низом тасдиқланди.

Мухбиримиз «Қувноқ стартлар» мусобақасини ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси ўринбосарларидан Халқ таълими вазирлиги жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиги Раҳматилла Саломов ҳамда «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти марказий кенгаши раиси Маҳамадали Ҳайдаров билан телебеллашувларни ташкил этишни такомиллаштириш хусусида суҳбатлашди.

— Раҳматилла ака, кўп йиллардан буён ўтказиб келинаётган «Қувноқ стартлар» мусобақаларидан қандай мақсад кўзда тутилган? Шу ҳақда қисқача гапириб берсангиз.

— Умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар лицейларида ўтказиладиган мусобақалар ҳақидаги Низомда таъкидланганидек, асосий мақсад: ўқувчилар ўртасида турли йўналишдаги ҳаракатли ва миллий ўйинларни, енгил атлетика, спорт гимнастикаси, акробатика, миллий кураш, спорт ўйинлари, футбол техникасига оид машқларни кенг тарғибот этиш; ўқувчиларни спортга қизиқтиришда, шунингдек, уларни жисмоний бақувват қилиб тарбиялаш ва спорт маҳоратларини оширишда амалий ёрдам бериш; республикамиз мактаб ҳамда касб-ҳунар мактаб, лицей ўқувчилари билан ҳамдўстлик давлатлари ўртасида ўзаро тажриба алмашиш ва дўстлик алоқаларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашдан иборат. Бу борада Жиззах, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларининг Белорус ва Қозоғистон Республикалари ўқувчилари билан дўстлик алоқаларини кўрсатиб ўтиш жоизлир.

— Низомда белгиланганидек, 1997—98 йилда ўтказиладиган XV республика телевизион мусобақалари тўрт босқичда — умумтаълим мактабларида, туман ва шаҳарларда, вилоятларда ва ниҳоят, тўртинчи босқич республика миқёсида ўтказилади. Сиз, Раҳматилла ака, оммавийлик мезони бўлган ушбу мусобақаларнинг биринчи босқичини қандай баҳолаган бўлардингиз?

— Жуда нозик савол бердингиз. Очиғини айтадиган бўлсак, «Қувноқ стартлар» мусобақаларининг биринчи босқич учрашувларига ҳамма ерда бирдек муносабатда бўлинаётир деб бўлмайди. Бу борада Бухоро вилоятини ибрат қилиб кўрсатса арзийди. Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида аҳвол бир мунча дуруст. Бухородаги 500 та мактабда биринчи босқич мусобақалари ўтказилган. Самарқанд вилоятида 1155 та мактабдан 1005 таси, Қашқадарё вилоятида 1028 та мактабдан 913 таси биринчи босқич мусобақаларида қатнашган. Андижон вилоятида эса 715 та мактабдан атиги 462 тасида, Наманган вилоятида 499 та мактабдан 324 тасида, Сирдарё вилоятида 316 та мактабдан 220 тасида биринчи босқич мусобақалари ўтказилган. Республика мусобақаларида мунтазам биринчиликни эгаллаб келаётган Тошкент шаҳридаги 329 та мактабдан атиги 82 тасида «Қувноқ стартлар» мусобақаси биринчи босқичи ўтказилганлиги ҳақида маълумот берилган.

Халқ таълими вазирлиги ҳайъати йиғилишларида, ҳафталик раҳбарият режалаштиришларида, «Қувноқ стартлар» мусобақасини ўтказиш ташкилий қўмита мажлисларида юқоридаги камчилик ва нуқсонларга

(Давоми 4-бетда).

ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛДИ 2-бет.

ТАНИШИНГ! Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси совриндорлари 3-бет.

УЛУҒБЕКНИНГ «РАНДА»СИ 4-бет.

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ливанлик таниқли ишбилармон, халқаро миқёсдаги ношир Муҳаммад Таҳсин Салоҳ ал-Ҳайётни қабул қилиб, мамлакатимиз тарихи, маданияти ва урф-одатлари ҳақида кўплаб китоблар чиқаришга бош-қош бўлаётганлиги учун унга миннатдорчилик билдирди.**
- **Муҳаммад Таҳсин Салоҳ ал-Ҳайёт самимий қабул учун Президентга миннатдорчилик билдириб, Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарининг араб тилида нашр этилган китобини тақдим этди.**
- **Лондондаги Қироллик халқаро муносабатлар институтида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг инглиз тилидаги нашри тақдимоти бўлиб ўтди.**

JUMLADA JAHON

- **Шу йилнинг 4 ноябрида ЮНЕСКО Бош конференциясининг Парижда бўлиб ўтган 29-сессиясида Ўзбекистон биринчи бор ушбу халқаро ташкилот Ижроия Кенгашининг аъзоси этиб сайланди.**
- **Тошкент Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида жойлашган, уч йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Макроиқтисодий таҳлил ва кадрлар тайёрлаш лойиҳаси» ташкилотида БМТ Тараққиёт дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси билан Иқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар маркази лойиҳасини имзолаш маросими бўлиб ўтди.**
- **Венгрия Президенти Арпад Гёнцнинг Қозоғистон Республикасига расмий ташрифи давомида Қозоғистон газини Венгрияга етказиб бериш масаласи ҳам муҳокама этилди.**
- **«Internet» ахборот тизими хабарига кўра 1973 йили Афғонистонда юз берган давлат тўнтаришидан сўнг мамлакатни тарк этиб, ҳозирда Италияда яшаётган Афғонистоннинг собиқ подшоси Зоҳир Шоҳ ватанига қайтиб, ўз халқига ёрдам беришга шайланганлигини билдирган.**
- **БМТ бош котиби махсус вакили Дитрех Мерремнинг таъкидлашича, Тожикистонда кенг йўналишдаги ҳарбий ҳаракатларга барҳам берилгач, мамлакатда иқтисодий ўсиш юз бера бошлаган.**

ОБУНА ҚИЗҒИН

Қамаши тумани Қоратепа жамоа хўжалигида жойлашган 7 та мактаб ва уларнинг кутубхоналари биринчи галда таълим нашрларига обуна қилинди. Уларда ўқувчиларга таълим-тарбия бераётган 300 нафар ўқитувчиларнинг кўпчилиги «Маърифат» газетасига обуна бўлишди.

Шунингдек, республикамизнинг бошқа нашрларига ҳам обуна яхши кетаяпти. «Халқ сўзи», «Қалб кўзи», «Ўзбекистон овози» газеталари ҳамда «Халқ таълими», «Соғлом авлод учун», «Гунча» журналлари ихлосмандлари анчага етиб қолди.

Саодат ОСТОНОВ.

* * *

Чортоқ туманидаги 22-ўрта мактабдаги 30 нафар ўқитувчи, 600 нафар ўқувчи келаси йил учун ўзлари севган газета ва журналларга обуна бўлишди. Муаллимлар «Маърифат», «Халқ сўзи», «Спорт», «Шарқ юлдузи» каби газета-журналларга ёзилишган бўлса, ўқувчилар «Гулистон», «Гунча», «Тонг юлдузи», «Туркистон» каби ёшлар ва ўсмирлар нашрларига обуна бўлишди. Ҳисоб китобларга кўра мактаб бўйича жами 100 минг сўмлик обуна бўлинган.

Ўрмонжон МЎМИНОВ.

Munosabat

ТАКОМИЛЛИК ЗАРУР

Мамлакатимиз олий ўқув юртларида талабалар билимини баҳолашда қўлланилаётган тест-синов усули амалиётини таҳлил қилиш шундан далолат бермоқдаки, кўп ҳолларда кафедра, бўлимлар тест ўтказишга шошмашошарлик билан, етарли даражада тайёргарлик кўрмасдан киришмоқдалар. Натижада уларда тайёрланаётган тест топшириқларининг, айниқса уларга ишлаб чиқилган жавобларнинг сифати бўлажак мутахассисларнинг билим, малака ва кўникмаларини динамик равишда ривожлантиришга қодир бўлмай қоляпти. Айрим ихтисосликлар бўйича тузилган тестлар етарли савияда таҳрир қилинмасдан, етук мутахассис томонидан синчковлик билан текширувдан ўтказилмасдан талабалар билимини баҳолаш учун ноўрин қўлланилмоқда.

Тест топшириқларини тузиш ва тест синовини ўтказишдаги ушбу номақбул амалиёт кўпчилик педагоглар ва кенг жамоатчиликда нотўғри тасаввурни шакллантирмоқда. Тест-синов усули изланишни, куч-ғайрат ва вақтни талаб қилмайдиган, мутахассислиги, касб тайёргарлигидан қатъи назар, ҳар қандай ўқитувчи уддалай оладиган оддий бир иш сифатида қаралмоқда.

Бу борада айрим ўқитувчиларнинг, баъзан бутун ўқитувчилар жамоасининг тест-синов ўтказиш амалиётига психологик жиҳатдан мослашмаганликларини ҳамда касбий тайёр эмасликларини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Олий ўқув юртларида таълим жараёнини бошқариш билан шуғулланаётган кафедра-деканат-ректорат ходимлари ҳам ушбу камчиликлардан холи эмасдирлар.

Ушбу нуқтаи назардан кўпчилик ҳолларда, тест синови ўтказиш усули «Тест-талаба» системасида синалувчи талабада тест топшириқларини тўғри ҳал қилишга интилиш билан боғлиқ мураккаб психологик жараёнларни ўқитувчилар кўз олдига аниқ келтира олмасликлари туфайли ўз амалий фаолиятларида уларни ҳисобга олмаган ҳолда иш кўраётирлар. Ҳақиқатан ҳам тест-синов ўтказиш жараёнида талабадан илгари ўзлаштирилган ўқув ахборотларни қайта тиклаш учун ўз хотирасини максимал ишга солишни, бутун назорат давомида тест топшириқларини тўғри бажариш учун ўз диққатини бир жойга тўплашни, ўз иродасини максимал сафарбар қилишни тақозо этади. Агар талабаларнинг индивидуал психологик хусусиятларини бир-бирига ўхшашмасликларини ҳисобга олсак, «тест-талаба» системасида бўлажак мутахассисларнинг тест топшириқларини бажаришга турлича муносабатда бўлишларини тушуниш қийин эмас.

Анъанавий усул (ёзма иш, оғзаки сўров)лар билан текширилганда юқори кўрсаткичларга эришган талабаларнинг тест-синов усулида ўз

(Давоми 2-бетда).

Ҳурматли муштарийлар!

«МАЪРИФАТ»га 1998 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна индекси:
Якка обуначилар учун — 149
Ташкилотлар учун — 150.

МММ ХАБАРЛАРИ

ҚОНУН ҲАЁТГА

Узбекистоннинг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни таълим-тарбия соҳасидаги камчиликларни бартараф этиш, ёшларга жаҳон андозалари даражасида илм-ҳунар ўргатиш каби қатор муаммоларни ҳал қилишни асосий мақсад қилиб олган.

Айни кунларда таълим соҳаси ходимлари янги қонунни чуқур ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ этиш ишига киришиб кетди. Бу ишга Қашқадарё вилояти ХТБ ходимлари ҳам асосий эътиборни қаратишган.

Яқинда улар Қарши шаҳрида «Таълим тўғрисида»ги Қонунни ҳаётга тадбиқ этиш» мавзуида йиғилиш ўтказишди.

Йиғилиш қатнашчилари келгусида ишларни ушбу қонун асосида ташкил этиш юзасидан аниқ курсатма ва топшириқлар олишди.

Абдували ОБИДДИНОВ.

AKTYORLAR MAKTABDA

Poytaxtning Mirzo Ulug'bek tumanidagi 275-o'rta maktabda «Tarbiyada san'atning mohiyati va o'rni» mavzuida A.Hidoyatov nomli teatr aktyorlari Dono Boboxonova va Ravshan Solihovlar bilan ijodiy uchrashuv o'tkazildi. Tadbirdan asosiy maqsad, o'quvchilarda san'atga bo'lgan qiziqishni oshirish edi. Aktyorlar o'quvchilar savollariga javob berdilar, sahna ko'rinishlaridan parchalar namoyish etdilar. Maktabda tashkil etilgan «Yulduz» raqs dastasi raqqosa qizlari ijro etgan jozibali raqslar, O'zbekiston teleradiokompaniyasi estrada simfonik orkestri xonandasi Xursand Sherov rahbarligidagi «Ko'hinur» dastasi a'zolari ijro etgan dilrabo kuy va qo'shiqlar davraga fayz kiritdi. Uchrashuv maroqli o'tdi va barchada katta taassurot qoldirdi.

Shahlo SHOISLOMOVA.

БОҒЧАДА МУЗЕЙ

Она табиатга муҳаббат фазилат эканлигини аввал катталар чуқур англаб етмоғи даркор. Шундагина уни ёшларга ҳам англата олади. Бунга яққол бир мисол.

Шовот туманидаги 9- «Табассум» боғчаяслида (мудираси Уғилжон Ёқубова) табиат музейи барпо этилган эди. Музейда Узбекистонимизнинг гўзал табиати, боғу роғлари, дарёлари, ҳайвонлару усимликлар оламидан намуналар акс эттирилган. Йил фаслларига қараб музейда табиат манзаралари ўзгариб туради. Айниқса, музей болакайларни тарбиялашда, табиатга муҳаббат туйғусини сингдиришда ажойиб кўргазма воситаси сифатида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ғойиб ЁҚУБОВ.

МММ ХАБАРЛАРИ

ТАКОМИЛЛИК ЗАРУР

(Боши 1-бетда).

имкониятларидан анча паст ўзлаштириш беришларининг сабаблари ҳам шунга боғлиқ.

Олий ўқув юртлари амалиётида тест-синов ўтказишда йўл қўйилаётган муҳим камчиликлардан бири у ёки бу ўқув дастури бўйича тестларга киритиладиган савол, топшириқларни танлаб олишнинг асосий тамойилларини кафедра, методик кенгашлар томонидан ишлаб чиқилмаганлигидадир. Бу ерда гап аудитория, лаборатория ва амалий машғулотларда талабаларга ўргатиладиган ўқув ахборотларининг қандай ҳажмини, қайси аниқ савол ва масалаларнинг талабалар томонидан ўзлаштирилиш даражасини тест-синов усули билан намоён қилиш керак деган саволга жавоб топишга мутасадди раҳбарлар шошилмаётганлиги ҳақида бораяпти. Тест топшириқлари сифатида асосий ўқув элементлари олинмасдан, балки тест тузиш учун қулай бўлган иккинчи даражали, унча муҳим бўлмаган ахборот, факт, рақамлар билан чегараланмоқда.

Ўз-ўзидан равшанки, бундай савиядаги тестлар талабалар интеллектуал ривожланишига сезиларли ижобий таъсир кўрсатмайди.

Тест ўтказиш усулининг самарадорлигини оширишнинг самарадорлигини ошириш учун ўқув элементи яъни, ўзлаштирилиши кўзда тутилган предмет, жараён, ҳодиса, хусусият ҳамда муносабат, қўллаш усули, фаолият усулини аниқлаб олиш зарур. Ўқув режасидаги предметлар туркумини ўқув элементларига ажратиш билан шуғулланганда ўқув элементларидаги ахборотларни ифодали йўли билан баён қилиш ўқув элементи бўла олмаслигини ёддан чиқармаслик керак. Жумладан, электротехника курсида ўрганиладиган двигатель қуввати ва валининг айланиш частотаси ўртасидаги функционал боғланиш ўқув элементи ҳисобланади. Ушбу боғланишни аналитик тарзда ифодалаш (формула) ёки унинг график тасвири эса ўқув элементи бўла олмайди.

Тест-синов усулини назорат қилиш, баҳолаш бўйича самарадорлигини оширишнинг синалган йўлларидан бири — тест топшириқларини таълим жараёнига жорий қилишдан олдин, уларни тажрибада етук педагоглар, методик кенгаш аъзолари билан ҳамкорликда ўтказиш имкониятига эгадирлар. Одатда, бундай тажрибани ўтказиш учун бирорта академик гуруҳ талабалари олиниб, улар дастлаб экспертлар иштирокида тест тузилган ўқув элементларини ўзлаштирганлари бўйича анъанавий усул (ёзма иш, оғзаки сўров)лар ёрдамида дастлабки назоратдан ўтадилар. Сўнгра ўқув элементларини талабалар қандай ўзлаштирганликлари ҳақидаги маълумотлар кафедрада ишлаб чиқилган тестлар орқали тўпланади.

Мабодо юқори малакали эксперт-ўқитувчилар иштирокида талабалар бирорта ўқув элементини ўзлаштириши бўйича анъанавий усулларда яхши натижаларга эришсалару тест-синов усули бўйича жавоб танлашда хатоликка йўл қўйилганлиги аниқланса, у ҳолда тест тузувчи унинг сабабини таҳлил қилиш ва тестларга тегишли тузатишлар киритишга мажбур бўлади.

Бугун тест-синов усулини кафедрада ўрганилаётган барча фанлар туркуми бўйича методик таъминлаш масаласи олий таълим тизимида долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Жумладан, тест топшириқларига нотўғри жавоб берган талабаларни тайёрлаш учун тегишли предметлар бўйича дидактик қайта ишланган ўқув материаллари матнлари, уларни чуқур ўзлаштиришга кўмак берувчи техника воситаларини тайёрлаш кафедралар диққат-эътиборидан четда турибди.

Олий ўқув юртлар таълим жараёнига тест-синов усулини жорий қилишни илмий ташкил этиш мақсадида ҳар бир олий мактаб ёки олий ўқув юртлараро кўламда профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш системасини яратиш, илғор профессор-ўқитувчилар, кафедра-деканатларнинг бу соҳада тўплаган самарали тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва ёйиш, тест-синов ўтказишга доир илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш зарур.

Олий таълим тизимида талабалар билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш, баҳолашнинг яна бир аспектига, яъни касбий-педагогик томонига эътибор суайиб кетди. Бу жумҳуриятимиз университет ва педагогика институтлари таълим жараёнига тест усулининг жорий қилиниши туфайли — талабалар ўзлаштириш даражаларини текшириш, назорат қилиш ва баҳолаш воситаси сифатида асоссиз равишда бир томонлама талқин қилиниши билан боғлангандир.

Ўрта мактаблар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш билан машғул бўлган мазкур олийгоҳлар ушбу масаланинг яна бир муҳим томонига умуман эътибор бермаяптилар. Бу эса педагогик кадрлар тайёрловчи олийгоҳлар партасиданоқ бўлажак ўқитувчиларни мактаб шароитида ўз мутахассислиги бўйича ўқув предметига доир I, II, III даражали тестлар тузиш услубиятига касбий тайёраш лозимлигидир.

Ҳақиқатан ҳам олий ўқув юртларида тест-синов усулини тобора кенг қўлланила бошлашига сал кам олти йил тўлишига қарамасдан, кафедраларда тайёрланган тестлар билан талабаларни олдиндан таништириш ёки уларни имтиҳонларга тайёрлаш мақсадида тестларнинг вариантларини кўпайтириб тарқатиш, бу соҳада етарли миқдорда турли-туман услубий тавсия, ишланмаларни чоп этиш бўйича профессор-ўқитувчиларнинг фаолиятлари ҳозирги кун талабига жавоб бера олмайди.

Хуллас, профессор-ўқитувчи ўз фаолиятини ва талабалар фаолиятини оптимал ташкил этмас экан, бу соҳада маълум ютуққа эришиш амри маҳолдир.

Асосий вазифа ушбу муаммо билан боғлиқ бўлган вазифаларни кафедра ўқитувчилари ўз олдиларига қўйишлари ва уларни ҳал қилишда барча профессор-ўқитувчиларнинг фаолиятларини мувофиқлаштиришга эришишлари лозимдир.

Н. ШОДИЕВ,
Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети профессори.

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Лондон полицияси АҚШ Молия вазирлиги томонидан чиқарилган облигацияларни қалбакилаштирган уч кишини қамоққа олди. Мазкур облигация миқдори саккиз юз миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Полиция жиноятчиларни бир неча кунлик муваффақиятли ҳаракатлардан сўнг АҚШ назорат хизмати билан биргаликда қўлга олди. Полициянинг таъкидлашича, бу тадбир халқаро молия бозори барқарорлигига қўшилган ҳиссадир.

* * *

АҚШ Мудофаа вазири Уильям Коинд Ироқ БМТнинг ҳарбий назоратига яна халақит берадиган бўлса, унга нисбатан ҳарбий зарба берилиши ҳақида огоҳлантирди.

* * *

Бугун Алжир пойтахтида икки бомба портлатилди. Бунинг оқибатида камида ўн тўққиз киши жароҳатланди. Биринчи бомба шаҳардаги бозорда портлади, ўн икки киши жароҳатланди. Иккинчи портлаш эса шаҳарнинг асосий қисмида рўй берди. Етти киши жароҳатланди.

Ҳеч бир гуруҳ портлаш билан боғлиқ жавобгарликни ўз бўйнига олганича йўқ. Ҳукумат реакцияси ҳам ҳали аниқ эмас.

«ВВС» ЛОНДОН.

Ta'lim fidoilari

СОБИР РАҲИМОВ ЎҚИГАН МАКТАБ

Тошкент шаҳридаги Маннон Уйғур номли 22-мактабда кўпгина машҳур кишилар таҳсил олишган. Жумладан, бу даргоҳда генерал Собир Раҳимов, Ўзбекистон халқ шоирлари Қуддус Муҳаммадий, Эркин Воҳидов каби миллатимиз фахрлари, ўнлаб фан докторлари, санъаткорлар ва жамоат арбоблари, жамиятимизнинг илғор кишиларининг мактабдан етишиб чиққанлиги ҳам маълум маънода бу масканда ишга фидойилик, изланувчанлик, садоқатли ва меҳрли мураббийлар анъаналарининг давом этиб келаётганлигидан далолат. Шу мактабда араб тилидан ўқувчиларга сабоқ бераётган Тоҳирхўжа ака Нуриддиновни ҳам айнан шу анъаналар давомчиси ҳамда уни ёшларга етказишда устоз сифатида тилга олиш мумкин. Бу камтарин ва меҳнатсевар инсон ўзининг педагогик фаолиятини 1970 йилда бошлаган. Унинг умри шу маърифат масканида кечди. Устоз орада Миср Араб Республикаси (1971—1973), Яман Араб Республикаси (1974—1976), Яман Халқ Демократик Республикаси (1983—1985)да хизмат сафарларида бўлиб, араб тили амалий-мулоқот соҳасининг чуқур билимдони даражасига кўтарилди. Йиллар ўтиб, Тоҳирхўжа ака ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан етук мутахассис, кучли услубчи сифатида халқ таълими ходимлари ўртасида ҳурмат топди. Тоҳирхўжа аканинг устозларидан бири, мазкур мактабнинг салкам ярим асрлик директори, Халқ ўқитувчиси Ҳакимжон ака Ҳошимов ўз шогирди ҳақида жуда илиқ, самимий гапларни айтди. «Тоҳирхўжани ёшларнинг меҳрибон мураббийси дейиш мумкин. У нафақат, моҳир, тўғрисўз, изланувчан ўқитувчи, балки халқ таълимининг билимдон ташкилотчиларидан бири. 1993 йилгача бизнинг араб тилига ихтисослаштирилган мактабимизда араб тили услубиёт бирлашмасининг етакчиси, илмий бўлим мудири сифатида фаолият кўрсатди. Унинг ютуғи-изланишлари натижалари, ҳаётий тажрибасини мунтазам равишда ўқувчиларга ўргатиб боришида».

Т. Нуриддинов республикамизда ўтказиладиган шарқ тилларини ўқитиш муаммоларига бағишланган анжуманларда мунтазам равишда ўзининг сермазмун маърузалари билан иштирок этиб келади. Шунингдек, Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти қошидаги услубий кенгаш, Халқ таълими вазирлигининг Республика таълим маркази қошидаги илмий-методик кенгаш аъзоси сифатида ҳам фаолият кўрсатмоқда. Кейинги йилларда Тоҳирхўжа ака томонидан нашр эттирилган «5—11-синфлар учун араб тилидан тест топшириқлари», «Араб тили чуқур ўргатиладиган мактабларнинг 2—11-синфлари учун араб тилидан ўқув дастури» мутахассислар томонидан ижобий баҳоланди. Ҳозирги кунда унинг юқори синф ўқувчилари учун «Араб тилидан тест топшириқлари», «Ўқувчиларнинг билимини баҳолашда рейтинг усулидан фойдаланиш» каби китоблари нашрга тайёрлаб қўйилди.

Бугунги кунда шу мактабда маънавий-тарбиявий ишлар бўйича директор муовини бўлиб ишлаётган Нодира опа Шарипова: «Ёшлигимдан ўқитувчиликка меҳр қўйишимга сабабчи — Тоҳирхўжа аканинг сеҳрли дарслари» — дейди. Тоҳирхўжа акага муҳташам «Туркистон» саройида «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвонининг гувоҳномаси топширилганда у кишининг жамики шогирдлари, ҳамкасб-ҳамкорларининг кўнгли фахрга тўлди. Тоҳирхўжа Нуриддинов сингари устозлар бор экан, ушбу ўқув даргоҳидан генерал Собир Раҳимов каби Ўзбекистонимизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари етишиб чиқади деб ишонаман.

Нигора СУЛАЙМОНОВА,
Тошкент Давлат Шарқшунослик институти талабаси.

Rasmiy bo'lim

ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛДИ

ёхуд 3-синф ўқитувчилари диққатига!

Ҳаммангизга маълумки, 1997-98 ўқув йилида Республикамиз мактабларининг 2—3-синф ўқувчилари лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосига ўтиши муносабати билан эски дарсликлардаги (кириллдаги) ва янги ўзбек алифбосидаги дарсликлар орасида тафовутлар борлиги аён. 3-синф ўқитувчи ва ўқувчилари 1996/97 ўқув йилида эски (кириллдаги) 2-синф математика дарслигидан фойдаланишган.

Бу йил, яъни 1997/98 ўқув йилидан янги ўзбек алифбосидаги 3-синф «Математика» дарслигида иш олиб боришлари натижасида баъзи қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Ушбу қийинчиликлардан бири ўқувчилар дарсликдаги айрим мавзуларни ўзлаштириб улгурмаганлигидадир. Бу камчиликларни бартараф этиш учун 3-синфларда, фақат 1997-98 ўқув йилида (математика фанини ўқитиш учун ҳафталик соатлар сонини 1 соатга кўпайтиришни тавсия этамиз (вақтинча).

Бу соатни факультатив ҳисобидан олиш мумкин. Ўқитувчилар қуйидаги режалаштиришдан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир.

1. 2 га ва 3 га кўпайтиришни такрорлаш.
2. 4 ни кўпайтириш шундай ҳолда (5, 4, 6, 4, 7, 4, 8, 4, 9, 4).
3. 4 га кўпайтириш шундай ҳолда (5.4, 6.4, 7.4, 8.4, 9.4).
4. 4 га бўлиш (ҳар хил ҳолатда).
5. 4 га кўпайтириш ва бўлиш жадвалини ёд олиш.
6. Бўлаклар билан таништириш. Бўлакларга кўра қисмини топиш.
7. Бўлакларни топиш ва бўлакларга кўра қисмини топиш бўйича масалалар ечиш.
8. Улушига кўра сонни топиш. Учинчи қўшилувчини топишга доир масала ечиш.
9. 5 ни кўпайтириш шундай ҳолда (5.5, 5.6, 5.7, 5.8, 5.9).
10. 5 га бўлиш (ҳар хил ҳолатда).
11. 5 га кўпайтириш ва бўлиш жадвали.
12. Бир неча марта орттириш ва бир неча марта камайтириш бўйича масалалар ечиш.
13. Сондан йиғиндини айиришга доир масала ечиш.
14. Масалалар ечиш.
15. Йиғиндидан сонни айиришга доир масалалар ечиш.
16. Ёзма иш.
17. Хатолар устида ишлаш.
18. 6 ни кўпайтириш шундай ҳолда (6.6, 6.7, 6.8, 6.9).
19. 6 га бўлиш (ҳар хил кўринишда).
20. 6 га кўпайтириш ва бўлиш жадвали.
21. Такрорлаш.
22. Такрорлаш.
23. Ўтилганлар юзасидан мустаҳкамлаш.
24. 7 ни кўпайтириш шундай кўринишда (7.7, 7.8, 7.9).
25. 7 га бўлиш (ҳар хил кўринишда).
26. Икки амалий мисолларни ечиш (қавсли).
27. Икки амалий мисолларни ечиш (қавссиз).
28. 7 га кўпайтириш ва бўлиш жадвали.
29. Такрорлаш.
30. 8 ни кўпайтириш ва 8 га бўлиш (шундай кўринишда 8.8, 8.9).
31. Тўғри тўртбурчакнинг хоссаси.
32. Фигураларнинг юзини топиш.
33. 9 га кўпайтириш ва бўлиш.
34. Катаклар ёрдамида фигуралар юзини топиш.
35. Такрорлаш.
36. Ўтилган карра жадвалларини такрорлаш. КВ. СМ. ёрдамида майдон юзини ўлчаш.
37. Кўпайтириш ва бўлиш жадвалини такрорлаш. Юқорида ўрганилган масалаларни ечиш.
38. Ўтилганларни мустаҳкамлаш. Ёзма иш.
39. Хатолар устида ишлаш.

Юқорида кўрсатилган дарслар учун топшириқлар беришда эски 3-синф «Математика» дарслигининг 22-58 — бетларидан ёки янги 2-синф «Математика» дарслигининг 203—263 — бетларидан фойдаланинг. Қуйидаги мавзуларни ўрганиб олгандан сўнг 1997 йил нашр этилган 3-синф математика (янги алифбода) дарслигидаги «Минглар» бўлимини бошлаш мумкин.

Республика таълим маркази.

Tadbir

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани халқ таълими бўлими ходимлари ўқувчиларнинг кузги таътилларидан ҳам унумли фойдаланишаяпти. Яқинда улар тумандаги илғор мактаблардан бири 151-мактабда «Ёш ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш усулларига ижодий ёндашиш» мавзусида бошланғич синф ўқитувчиларининг анжуманини ўтказишди.

Мактаб директорининг ўқув ва тарбия ишлари бўйича муовини В. Проскурякова анжуманни очар экан, у мактабда бугунги кунда олиб борилаётган долзарб масалалар билан таништирди. Ўқитувчи Ю. Шестакова мактабда бошланғич синф ўқувчиларига дарс ўтишнинг илғор дастурлари амалга қандай жорий этилаётганлиги тўғрисида гапириб берди. Шундан сўнг меҳмонлар бевосита синфларга кириб, дарс услублари билан танишишди.

Анжуманда нафақат 151-мактаб ўқитувчилари, балким ўз ўқувчилари билан келган бошқа мактаб ўқитувчилари ҳам кўргазмали дарслар ўтказишди. Масалан, 244-мактаб ўқитувчилари Ф. Харбиятова ва А. Абдусатторовалар пойтахтимизда лотин алифбосини ўргатиш бўйича пешқадамлардан эканлигини намойиш этишди.

«Иқтисод алифбоси» дарси бўйича эса 255-мактаб ўқитувчиси, ўтган йилги «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» кўрик-танловининг ғолиби Гулнора Турдиқулованинг олдига тушадиган йўқ экан.

Шунингдек, анжуманда «Ўқувчилар рейтинги» мавзусида 152-мактаб ўқитувчиси Н. Иванова, «Синфдан ташқари ўқитиш дарси» мавзуси бўйича 149-мактаб ўқитувчиси Ж. Бабаянлар ҳам бошланғич синфларни ўқитиш методикасига ўз таклифларини киритишди.

Мактаб директори А. Дубицкая иштирокчиларнинг сўров қоғозлари бўйича анжуманга якун ясар экан, уларнинг 97 фоизи бу тадбирга ижобий баҳо беришганликларини маълум қилди. ХТБ услубчиси Зебо Азизова эса анжуманда кўрсатилган бошланғич синф ўқувчиларини ўқитиш ва тарбиялаш усулларининг янги шакллари бошқа мактабларга жорий этилажаклигини ҳамда бу каби тадбирларнинг ушбу ўқув масканларида ҳам бўлиб ўтажаклигини хабар қилди.

Н. ҲАМРОЕВ.

Суратларда: конференциядан лавҳалар.

В. ЯКУБОВИЧ олган суратлар.

ОБУНА-98

Миллий қадриятларимиз қайтиб келди, дея аюҳаннос солувчилар ҳам кўп бўлди. Аслида қадриятлар йўқолмаган эди. У халқ орасида, инсонлар қалбининг туб-тубида пинҳон яшаган эди. Фақатгина энди уни идрок ила англаш, фаҳмлаш зарур.

Азизлар! Бу масъулиятни «Қадрият» газетаси ўз зиммасига олди. Юртимизда умуминсоний қадриятларни тиклашга кўмакдош бўлишни истасангиз ҳамда ўз миллатингизнинг азалий қадриятларидан бохабар бўламан десангиз, бу газетага обуна бўлинг!

Газета таъсисчилари Ўзбекистон Республикаси ногиронлари жамиятлари.

Якка обуначилар учун индекс рақами — 266

Ташкилотлар учун индекс рақами — 267

Yangilik

ЖУРНАЛГА ИЛОВА НАШР ЭТИЛДИ

Республика педагогик матбуоти муаллимларимиз оғирини енгил қилишга, уларнинг илм-фан ва педагогик маҳорат сиру асрорларини ўз вақтида чуқур ва пухта эгаллашларига фаол хизмат этиб келмоқда.

Бу соҳада «Тил ва адабиёт таълими» журнали хайрли ишни бошлаб берди. Яқинда мазкур журналга илова сифатида нишона китобча чоп этилди. Д. Худойберганова, О. Умархўжаева томонидан тайёрланган рисола «Лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзуви бўйича қўлланма» деб аталади ва у ҳозирча 200 нусхада нашр этилган.

Қўлланмадан «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, «Ўзбек алифбоси ва имлосини ўрганиш курси дастури» (50 соатга мўлжалланган), дастурга илова луғат, «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари», шунингдек ариза, таржимаи ҳол, маълумотнома, ишончнома, билдиришнома, тилхат, эълон, тавсифнома каби расмий иш қоғозларидан намуналар ўрин олган.

— Бу хилдаги иловаларни режали суратда, она тили ва адабиёт таълимининг долзарб, ранг-баранг мавзуларига бағишлаб нашр этиш ниятимиз бор, — деди биз билан суҳбатда журнал бош муҳаррири, педагогика фанлари доктори, профессор Раъно Толипова. — Фақат бизни муштарийларимиз ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаб туришса бас, ёрдамимизни аямаймиз.

Дарҳақиқат, журнал ва унга илова тарзида чоп этиладиган китобчаларнинг ўқитувчиларимиз методик маҳорати, сайқалланиб боришига, умуман ижобий таъсир этишига ишончимиз комил. Ўйлаймизки, Республикамиздаги 50 мингга яқин она тили ва адабиёти муаллими журналнинг бу ташаббусини маъқуллайдилар ва қўллаб-қувватлайдилар.

Б. КУРБОНБОЕВ,
журнал таҳририяти аъзоси.

ТАНИШИНГ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси совриндорлари

ТЕХНИКА ВА ИНФОРМАТИКА

Бахтиёр МАЗГАРОВ — Тошкент давлат техника университети 4-курс талабаси. Мутахассислиги — ҳисоблаш техникаси ва автоматлаштирилган тизимларнинг программ таъминоти. Компьютерни мукаммал эгаллаган. Инглиз тилини яхши билади. Нашр этилган илмий ишлари 2 та. Институт жамоат ишларида фаол қатнашади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг буюртмаси асосида бажарилаётган «Ўзбек тилидаги матнларни инглиз тилига автоматик таржима қилиш» илмий-тадқиқот ишларида қатнашмоқда.

ТИББИЁТ, ЖУМЛАДАН ФАРМАЦИЯ ВА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ



Сардор ТИЛЛАХЎЖАЕВ — II Тошкент давлат тиббиёт институти 6-курс талабаси. Мутахассислиги — даволаш. Компьютерни мукаммал эгаллаган. Инглиз тилида эркин гаплашади. Нашр этилган илмий ишлари 2 та. Институтда ўтказиладиган илмий анжуманлар совриндори. Бугунги кунда кўз касалликларини даволаш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ВА КИМЁ-БИОЛОГИЯ МУТАХАССИСЛИКЛАРИ



А. АБДУМАЛИКОВ — Тошкент давлат университети 4-курс талабаси. Мутахассислиги — физика. Компьютерни мукаммал эгаллаган. Инглиз тилида эркин гаплашади. Нашр этилган илмий ишлари 2 та. Республикада талабалар орасида физика фанидан ўтказиладиган олимпиадаларнинг фаол иштирокчиси. Ҳозирги кунда «Водородсимон атомларнинг энергетик сатҳлари спектрини ҳисоблаш» илмий-тадқиқот ишларини олиб бомоқда.

ИҚТИСОДИЁТ

Санам МИРЗАЛИЕВА — Тошкент давлат Шарқшунослик институти 5-курс талабаси. Мутахассислиги — халқаро иқтисодий муносабатлар. Компьютерни мукаммал эгаллаган. Инглиз, турк ва араб тилларида эркин сўзлашади. Нашр этилган илмий ишлари 6 та. Навоий номли давлат стипендияси совриндори ва «Шуҳрат» медали нишондори. Институтда ўтказиладиган илмий анжуманларда ва жамоат ишларида фаол иштирок этади. Ҳозирги кунда «Эркин туристик минтақалар ва уларни Ўзбекистонда ташкил этиш истиқболлари» мавзуига бағишланган илмий — тадқиқот ишини олиб бормоқда.

ГУМАНИТАР МУТАХАССИСЛИКЛАРИ

Наргиза ҚОСИМОВА — Фарғона давлат университети 5-курс талабаси. Мутахассислиги — ўзбек тили ва адабиёти. Компьютерни мукаммал эгаллаган. Инглиз тилида эркин гаплашади. 3 та мақоласи чоп этилган. Университетда ўтказиладиган илмий анжуманларда ва жамоат ишларида фаол иштирок этади. Навоий номли давлат стипендияси совриндори. Ҳозирги кунда «Ўзбек адабиёти тарихи» йўналишида амалий изланишлар олиб бормоқда.

ПЕДАГОГИКА МУТАХАССИСЛИГИ



Акбар АВЛИЁЕВ — Фарғона давлат университети 4-курс талабаси. Мутахассислиги — физика. Компьютерни мукаммал эгаллаган. Инглиз тилида эркин сўзлашади. 3 та илмий мақоласи чоп этилган. Университет қошидаги лицей ўқувчилари билан физика фанидан амалий машғулотлар олиб боради. Республикада ўтказиладиган олимпиада, иямий анжуманлар ва жамоат ишларида фаол иштирок этади. Ҳозирги кунда «Чизиқли-циркуляр дихроизм ҳодисасининг назарий таҳлили» бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

ҲУҚУҚ ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР



Зафар СОДИҚЖОНОВ — Самарқанд давлат университети 4-курс талабаси. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос. Компьютерни мукаммал эгаллаган. Немис тилида эркин гаплашади. 5 та илмий мақоласи чоп этилган. Университетда ўтказиладиган илмий анжуманларда ва жамоат ишларида фаол қатнашади. Навоий номли давлат стипендияси совриндори. Бугунги кунда «Жиноят ҳуқуқларида жазолаш тизими» мавзуига бағишланган илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Taqriz

АМАЛДА ҚЎЛ КЕЛАДИ

Биз миллий давлатчилик, миллий маънавият, миллий мафкура, миллий дунёқараш тикланаётган Ўзбекистонимизда яшаб, миллий кадрлар тайёрлаш дастуримизни амалга оширишга киришмоқдамиз. Ана шундай масъулиятли бир пайтда ўз мактабимизни яратиш ғоясининг кўтарилиши айни муддаодир. Чунки мактаб қандай бўлса, 10—15 йилдан кейинги жамият шундай бўлади. Яъни ҳозир мактабларимизда она тилида ижодий фикрлаш, миллий ғурурлилик, миллатлараро дўстлик, Ўзбекистонни севиш, виждонийлик, иймонлилик, жаҳонни билишга қизиқиш каби фазилатлар ўқувчиларимиз учун меъёрий, одатий ҳолга айлантирилса, XXI асрда Ўзбекистон халқи ана шундай фазилатли кишилар Ватанига айланади. Бу Давлатимизнинг, миллатимизнинг эзгу муддаосидир. Бунга тез ва соз эришиш йўллари Р. Ҳасановнинг ушбу тақризга мавзу бўлган «Ўзбекистоннинг келажак умумтаълим мактаблари ҳақида ўйлар» (Тошкент, «Ўқитувчи» 1997 й. 37б.) рисоласида ҳам қисман кўрсатилган.

Рисолада кўтарилган ғоялар «Таълим тўғрисида»ги янги Қонунни амалга оширишда амалий жиҳатдан муҳимлиги билан аҳамиятлидир. Чунки Ўзбекистон Республикасининг XXI аср мактаби лойиҳасини яратишга бағишланган ушбу рисола — педагог олимнинг 35 йилдан зиёд олиб борган тадқиқотлари, кузатишлари, меҳнати, салоҳиятининг синтези асосида яратилган.

Рисола муқаддима, уч йирик бўлим, хулоса қисмлардан иборат. Муқаддимада XXI аср мактабларини яратиш тўғрисида хорижий давлатлардаги алломалар фикрлари, АҚШ, Япония, Франция, Германия тажрибалари таҳлил қилинади. «Умумтаълим мактабларининг ҳозирги аҳволи ва унинг муаммолари» номли бўлимда республикамиз таълим-тарбия тизими муаммолари чуқур таҳлил қилиниб, уларни бартараф қилиш йўллари таклиф қилинган.

«Келажак мактабларини яратишнинг стратегик йўналишлари» деб номланган бўлим: 1. Мактаб ва ўқитувчилик касбига муносабатни тубдан ўзгартириш. 2. Мактаблар ишини инсонпарварлаштириш. 3. Мактаблар ишини миллийлаштириш. 4. Мактаблар ишини демократиялаштириш. 5. Мактабларнинг моддий-техникавий негизини юксалтириш, таълим ва тарбиянинг янги технологиясини ишлаб чиқиш масалаларига бағишланади.

Учинчи қисмда муаллиф Ўзбекистон Республикасида миллий таълим-тарбия тизимини яратишнинг 7 йўналишини кўрсатиб беради. Тўртинчи қисмда эса, мактаблар ишларини ташкил этишда демократиялаштириш ва амалиёти тўғрисидаги асосий фикр-мулоҳазалар баён этилган. Бешинчи қисмда таълим-тарбия жараёнини сифатли амалга оширишнинг асосий омиллари бўлган моддий-техник таъминот негизини мустаҳкамлаш, янги, илғор педагогик технологияларни миллий таълим тарбия тизимида қўллаш жаҳоний даражага кўтарилишнинг асосий омиллари сифатида белгиланади. Ўқувчиларнинг ёмон ўзлаштиришлари сабаблари педагогик, психологик ва дидактик таҳлил қилиниб, бу ҳолнинг 30 дан зиёд сабабларини янги технологияларни қўллаб бартараф қилиш йўллари кўрсатилади.

Рисоланинг навбатдаги бўлимида «Келажак мактабларининг модели» (лойиҳа)си берилган. Унда келажак мактаби моделини яратишнинг 10 дан зиёд йўналишлари келтирилган. Айниқса, миллий моделнинг илмий асосланиши миллий давлатчилик тамойилимизга уйғун — янги мактаб модели яратилганлигини кўрсатади.

Рисолада келажак мактабларини тавсифлаш билан чекланиб қолинмаган. Балки «Қандай қилиб?», «Қачон?», «Нималар воситасида?», «Кимлар томонидан қандай ишлар амалга оширилади?», «Бажарилган ишлар қандай сарҳисоб қилинади?», «Муайян педагогик чоратадбирлар изчил амалга оширилганида 5, 10 йил кейин мактабнинг таълим-тарбия тизимида ҳолат қандай бўлади?» каби мураккаб амалий-педагогик саволларга лўнда тушунарли, асосли, энг муҳими — амалий ечимлар берилган.

Масалага комплекс ёндашилганлиги туфайли рисолада мактаб ҳаётининг биронта «икир-чикир»и эътибордан четда қолмаган. Мактабнинг жойлашиши, ўз-ўзини таъминлашида ер майдонларидан фойдаланиши, бино, синфларнинг жойлашиши, жиҳозланиши ва мактаб боғининг жойлашиши ҳақида амалий таклифлар ўртага ташланган.

Рисолада тарбия масаласига махсус тўхталинган. Унда тарбиядаги мавҳумликка чек қўйиб, тарбиянинг аниқ миллий истиқлолий мақсади, мазмуни, йўналишини танлаб олиш учун нималар қилиш кераклиги аниқ баён қилинади. Албатта рисолада муҳокама талаб қўринлар ҳам бор. Шунинг учун муаллиф рисолани камтарлик билан «дастлабки ғоялар мажмуаси» деб атаб, янги таклифлар билан бойитилишини кейинги муҳокамаларга ҳавола қилади.

Фикримизча, XXI аср бўсағасида, Давлат ва миллат манфаатларидан келиб чиқиб яратилган бу илмий ижод маҳсули катта эътибор ва рағбатга сазовор. Ушбу истиқлолий ғояларнинг тез рўёбга чиқиши учун қуйидаги таклифларни билдириб ўтишни лозим топдик:

1. 1 чақириқ 9 сессияси материаллари ҳамда ушбу рисола асосида «XXI аср таълим-тарбия тизими» мавзуида умумдавлат миқёсида вазирликлар, назариётчи педагоглар, амалиётчи ўқитувчилар, халқ таълими бўлимлари (вилоятлар ва туманлар), илмий-тадқиқотчилар ва бошқа педагогик жамоатчилик иштирокида Республика илмий-назарий анжумани ўтказиш мақсадга мувофиқ.

2. ЎзПФИТИ қошида «XXI аср мактаби: назария ва технология» ғоясини амалга ошириш доирасида Ўзбекистонда мактаб амалиётини миллий,истиқлолий тарбия талабларидан келиб чиқиб тубдан ислоҳ қилишга қаратилган илмий-тадқиқот лабораторияси очилса, айни муддао бўлар эди. Чунки республикамизда ҳанузгача ўқувчиларни янгича — миллий истиқлол талаблари асосида тарбиялаш муаммолари билан махсус шуғулланувчи илмий-тадқиқот муассасаси йўқ.

Янги аср талабларидан келиб чиқиб, таълим-тарбия соҳасида илмий асосда ислоҳотлар ўтказиш - мамлакатимизнинг буюк келажагини педагогик таъминлаш демакдир. Профессор Р. Ҳасановнинг «Ўзбекистоннинг келажак умумтаълим мактаблари ҳақида ўйлар» рисоласида таклиф қилинган ислоҳий ғоялар механизмининг ишга туширилиши, бу муқаддас маслагимизни таъминлашга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади.

Муҳаммаджон ҚУРОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси илмий-тадқиқот бўлими бош мутахассиси, педагогика фанлари номзоди.

КУН ТАРТИБИДА – МИЛЛИЙ СПОРТ ЎЙИНЛАРИ

Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Касаба уюшмалари федерацияси ҳамда «Камолот» ва «Маҳалла» жамғармалари ҳамкорликда Узбекистон Давлат Жисмоний тарбия институтида миллий спорт ўйинларига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказишди.

Анжуман ишига Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, «Камолот» жамғармаси бошқаруви раисининг муовини К. Юсупов, Жисмоний тарбия институти проректори Ф. Насриддинов, Ижтимоий таъминот вазирининг ўринбосари М. Миралимов ва бошқалар қатнашиб, «Миллий спорт — соғлом турмуш тарзига тайёрланишнинг муҳим омили», «Халқимиз мероси — келажак авлод таянчи», «Ақлий, жисмоний ва ахлоқий камолотни тарбиялаш мактаби» каби мавзуларда маърузалар қилишди.

Шунингдек, анжуман иштирокчилари эътиборига миллий спорт турлари ва ўйинлари ҳақидаги видеофильм ҳавола этилди.

Ушбу илмий-амалий анжуман ўтган икки кун давомида «Миллий спорт турлари, қадрият ва эътиқод», «Миллий спорт оилада, турар жойларда, тарбия муассасалари ва ўқув юртларида», «Миллий спортнинг тиббий ва биологик асослари» деб номланган шўъба йиғилишларида таниқли олимлар ва мутахассислар республикамизнинг турли вилоятларидан келган ёш спортчилар ва уларнинг мураббийлари билан мулоқотда бўлдилар.

Анжуман қатнашчилари Темурийлар даври тарихи Давлат музейи ва Олимпия шон-шуҳрати музейларида бўлишиб, бу ердаги тарихий экспонатлар билан танишишди.

Миллий спорт ўйинлари тўғрисида ўқилган энг яхши маърузалар бўйича махсус илмий тўплам чиқаришга келишиб олинди.

МУХБИРИМИЗ.

Direktor minbari

ИБРАТ МАКТАБИ

Яхши кишиларнинг яхши ишлари билан танишишга бўлган иштиёқ каминани пойтахтнинг Себзор даҳасида жойлашган 19-касб-ҳунар мактаби сари етаклади.

Касб-ҳунар мактабининг соя-салқин ҳовлиси анча сокин. Ўқув хоналарида ҳам жимжитлик. Лекин мактаб раҳбари Малоҳат Исматиллаева, унинг ўринбосарлари ҳамда бир неча устозлар ва ишлаб чиқариш устаҳлари ҳамон ўтган ўқув йилининг салмоқли натижаларини сарҳисоб қилиб, тегишли хулосалар чиқариш, янги ўқув йилини ҳар тарафлама яхши йўлга қўйиш, шунингдек, мактабни шу йили битириб чиққан чеварларни корхоналарга ишга жойлаштиришга кўмаклашишга доир масалаларни ҳал этиш билан машғул эканлар.

Биз касб-ҳунар мактабининг мустақиллик йилларида амалга ошираётган ишлари ҳақида қизғин суҳбатлашдик, факт ва рақамлар билан танишдик. Шуниси қувончлики, деярли барча фактлар мазкур билим даргоҳи жамоаси ҳозирги давр, бозор иқтисодиёти шароити талаблари асосида иш юритиб, янги натижаларга эришаётганидан дарак беради. Бунда мактаб раҳбари М. Исматиллаеванинг хизматлари катта бўлаётганлиги ҳақида ҳар бир ўқитувчи, ҳар бир уста оғзидан бол томиб гапиради.

Малоҳат Абдуллаевна 1987 йилда мазкур касб-ҳунар мактабига раҳбар бўлиб келгач, ишни аввало билим даргоҳидаги етук кадрларни жой-жойига қўйишдан бошлади. Масалан, Мавлуда Саидқосимова ўқитувчиликдан катта усталик вазифасига, Ҳожия Акрамова ишлаб чиқариш усталигидан муҳандисликка ўтказилди. Нурия Самадова эса уста мураббий этиб тайинланди. Бу аёл узоқ йиллар тўқимачилик институти тикувчилик лабораториясига бошлиқ бўлиб ишлаб, яқиндагина нафақага чиққан эди. Уларнинг бой тажрибасидан баҳраманд бўлиш тез орада ўз мевасини бера бошлади. Бундан ташқари, ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш усталарининг олий малакали мутахассислар бўлиб етишишига эришиш учун зарур чоралар кўрилди. Бунинг самараси ўлароқ 1992 йилга келиб, билим даргоҳи жамоаси батамом олий маълумотли кадрлардан иборат эди. Бу эса, ўз навбатида ўқув-тарбия ишларининг савиясини янада оширишга имкон берди. Мактаб устахоналарида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши эса нур устига аъло нур бўлди. Маҳсулотлар сифатининг яхшиланиши эса буюртмалар ҳажмининг тобора ортишига олиб келди.

Янги раҳбар ташаббуси билан амалга оширилган хайрли ишлардан яна бири шу бўлдики, ўқитувчи ва ишлаб чиқариш усталари, ўқувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратилди, энг муҳими — мактаб биноси қайта таъмирланди, ўқув хоналари буғ билан иситиладиган бўлди. Ўнинг бундан бир неча йиллар илгари касб-ҳунар мактаби устахоналарида уя қуриб олган «чаққон» кооперативчилар билан кураша-кураша, ниҳоят ғолиб келиб, замонавий тикув дастгоҳларининг бўлгуси чеварлар ихтиёрига қайтариб берилишига эришиши, айниқса ҳаммани лол қолдирган эди.

Ана шундай мустаҳкам иродали, ишнинг кўзини биладиган, оқила аёл моҳирона раҳбарлик қилиб келаётганлиги туфайли 19-касб-ҳунар мактабининг бугунги фаолиятида бошқа билим даргоҳларига ибрат бўлгулик жиҳатлар талайгина.

Ҳозирда тикувчилик касбини ўргатиш бўйича ихтисослашган ушбу билим даргоҳида мактаб бўйича 3 йиллик, ҳунар ўргатиш гуруҳлари бўйича 2 йиллик ва 1 йиллик ўқув синовлари мавжуд. Мактабда жами 600 нафардан зиёд ўқувчи касб-ҳунар ўрганаётган бўлса, шундан 70 га яқини 1 курсда, 500 дан зиёд ўқувчи ишлаб чиқариш амалиётида фойдали маҳсулот ишлаб чиқариш билан машғул. Шу билан бирга мактабда 1992 йилдан буён бозор иқтисодиёти талабларига кўра хўжалик ҳисобидаги пулли бичиш-тикиш курслари фаолият юритаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозир бу курсларда ҳар йили ўртача 450 нафарга яқин ўқувчи чеварлик касбини эгаллаётир. 1996 йилда хўжалик ҳисобидаги курслардан 1 млн. сўмга яқин маблағ мактаб ҳисобига тушган бўлса, 1997 йилда унинг миқдори 2 млн. сўмни ташкил этди. Ушбу маблағлар мактаб хоналарини жиҳозлаш ва техника воситалари билан таъминлашга сарфланади. Мактабда 6 та ўқув устахонаси ва тайёрлов-бичув цехи мавжуд бўлиб, уларда 120 ўқувчи 2 сменада тикувчилик маҳсулотларини тайёрлаши мумкин. Ҳомашё етарли бўлса, мавжуд устахоналарда бир йил давомида 4.300.000 сумлик атрофида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилган.

— Шу ўқув йилида жамоамиз мактабнинг моддий-техника асосларини мустаҳкамлаш борасида бир талай ишларни амалга оширди, — дейди мамнуният билан М. Исматиллаева. — Хусусан ўқув машғулотлари ишлаб чиқариш ва иқтисодий ислоҳотларни ҳисобга олиб, системалаштирилган ҳолда олиб борилди. Назарий ва амалий таълим дарслари таянч сигналларини қўллаш, ностандарт дарслар ўтиш, тест ўтказиш ҳисобига такомиллаштирилди. Буларнинг самараси ўлароқ амалий таълим жараёнида ҳунар мактаби устахоналарида ўқувчилар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдори ва сифати, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажми ошмоқда. Бундан ташқари, хайр-саховат ишларига эътибор берилиб, чиқинди материаллардан тикилган 15-20 минг сумлик маҳсулотлар меҳрибонлик уйларига бепул тортиқ этилмоқда. Касб-ҳунар мактаби шу йил баҳорда республика ҳунар-техника билим юртлари устахоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кургазмасида қатнашиб, республика Халқ таълими вазирлигининг Фахрий ёрлиги билан тақдирланди. Шаҳар билим юртлари ўртасида ишлаб чиқариш устахоналари ишини ташкил этиш ва услубий ишларни тўғри йўлга қўйиш бўйича утказилган кургазмада эса биринчи ўринни эгалладик. Бундан ташқари, булғуси чеварларимиз умумтаълим фанлари бўйича шаҳар олимпиадаларида, республика қўшиқ байрами танловларида қатнашиб, I ва III ўринларни эгаллашди. Кейинги йилларда мактабимиз усталар ва махсус фанлар ўқитувчиларининг, кутубхоначилар ва раҳбар муовинларининг ўзаро тажриба алмашиш масканига айланиб қолди. Маънавият дарсларини тегишли адабиёт ва қўлланмалар билан, янги китоблардан фойдаланган ҳолда мунтазам ўтказиш борасида ҳам етарли тажриба орттирдик, — дейди М. Исматиллаева.

Аёнки, ҳозирги пайтда мустақил республикамизда замонавий тикув дастгоҳларини муваффақиятли бошқара оладиган малакали ишчи кадрларга эҳтиёж катта. Айниқса, ўзимизда ишлаб чиқарилган хом ашёдан сифатли маҳсулотни тайёрлашга ихтисослаштирилган турли-туман корхоналарнинг эшиклари бундай ишчи кадрлар учун ланг очиқ. Шундай экан, биз фаолиятидан қисқача ҳикоя қилган 19-касб-ҳунар мактаби жамоаси ёш йигит-қизларни чуқур билимли, муайян касб-ҳунар эгаси қилиб етиштириш борасидаги муҳим даъватларга жавобан бундан кейин ҳам янги-янги ташаббуслар билан майдонга чиқиб, яхши ва ибратли ишларни амалга ошираверадилар, деган умиддамиз.

Карим БЎРОНОВ,
«Ўзбекистон» нашриётининг етакчи муҳаррири.

Fanimiz fidoyilari

НИНА БИЛАН ҚУДУҚ ҚАЗИШ

Олимлик ҳам мартаба.

Барча замонларда олимларга ҳавас билан қарашган. Бу ҳавасининг замирида уларнинг фикрларидан нимадир ўқиш ётса керак.

Чиндан ҳам олимлик мартабасига эришган, бирор соҳанинг ичичига кириб борган инсонлар ер юзида камми? Мисол учун Ўзбекистонда улар қанчалигини биласизми?

...Ў ам нина билан қудуқ қазиётган, илм уммонига ғаввослар сингари чўккан, аммо ўз ишларидан сира-сира қониқиш ҳосил қилмаётган камтарин, заҳматкаш, феъл-атворига фидойилик сингиб кетган бир инсон. Ўзбекистон Фанлар Академиясига қарашли зоология илмий-тадқиқот институтининг сув зоологияси бўлимининг бошлиғи, биология фанлари номзоди Искандар Мирабдуллаев. Кўриниши — қотмадан келган, новча, кўзойнаги тагидан унинг сермаъно, кузатувчан кўзлари сизга хайрихоҳлик билан боқади.

Олимликка ҳар ким ҳам даъвогар бўлолмайди. Истеъдод. Изланиш. Чидам ва сабр-тоқат. Энг сўнгида ўзи яратган кашфиётдан завқланиш, унинг эл манфаати учун яраши. Ана шу хислат ва боскичларга дош бера олган кишигина олимлик мартабасига эришади.

Экология, яъни инсон ва табиат орасидаги азалий мутаносибликни сақлаш. Биологиянинг кишилик жамиятида тутган ўрнига тан бериш. Кўзга кўринмас сув ҳайвонларининг кўпчилик англамаган аҳамиятини кўра билиш. Бирбирига занжир ҳалқалари каби боғланган соҳалар Искандар Мирабдуллаевни изланишга, маълум маънода, ҳузур-ҳаловатлардан воз кечишга ундагандек бўлади. Айримлар учун дам олиш куни ҳисобланган шанба ва якшанба кўнлари ҳам институтнинг лабораториясида учратишади. Микроскоп орқали сув ҳайвонларининг яшаш тарзини кузатиш унинг учун завқли. Айрим танишларига унинг илмий кузатишлари эриш туюлади ва дейишади: «Буни текшириб нимага эришасан?» Искандар Мирабдуллаев улар билан тортишмайди, баҳслашмайди, чунки бунинг фойдасиз эканлигини билади. Зар қадрини заргар билади. Зеро, олимлик машаққатию заҳматини фақат шу соҳага даҳлдор кишилар англайдилар.

Унинг Марказий Осиё сув ҳавзаларида тўплаган материаллари европалик гидробиология соҳасидаги олимларни қизиқтириб қолди. Искандар Мирабдуллаев улар билан ҳамкорлик қилишни истар, хориждаги илмий нашрларга, қисқаси, чет мамлакатлардаги олимлар ҳаётига бехад қизикарди.

Ният холис бўлса, киши ўз истагига эришар экан. У 1995 йилда Америка Кўшма Штатларида бўлди. Бутун дунё афкор оммасининг назарига тушган бу мамлакатга сафар унинг ҳаётида жиддий бурилиш ясамаса-да, америкалик олимларнинг марказий осиёлик илмпарвар кишилар билан алоқа боғлаш иштиёқи борлигидан ўнчалик ҳайратга тушмади. Чунки Ўзбекистон эндигина мустақилликка эришиб, ривожланиш босқичига кириб бораётган бўлсада, унинг олим ва профессорлари эришган ютуқлар аслида чакки эмас экан. Искандар Мирабдуллаев бир ойлик АҚШ сафаридан сўнг ана шундай хулосага келди.

Кўп нарса таққосланганда билинади.

Искандар Мирабдуллаевга бу йил Европанинг икки мамлакатига илмий сафар насиб этди.

Лондон тарихий табиий музейининг профессори Бокшалл билан танишув ва дўстлашув Искандар Мирабдуллаевни илм дунёсининг тамоман бошқача қирраларига дуч келтирди. Музейдаги ҳайвонлар, ўсимликлар, турли минерал моддалар экспозицияси ҳайротомуз бир олам эди. Бу ерда лондонлик олимларнинг йирик илмий маркази жойлашган бўлиб, тез-тез баҳс-мунозаралар, муҳокамалар ўтказилиб турилар экан. Олимлар ким нима билан шуғулланаётганидан хабардор ва бир-бирларини қўллаб-қувватлашар экан.

Искандар Мирабдуллаев бу музейда ўтган асрда зоология фани бўйича тўпланган материаллар билан танишди. Уч ҳафталик сафар мобайнида у кўп оёқли қисқичбақасимонлар тузилишини ўрганишга муваффақ бўлди. Улар асосан океанларда, кўлларда, ер ости сувларида, айримлари балиқ ва бошқа сув ҳайвонларининг озуқаси сифатида яшайдилар. Уларнинг аксарияти ҳали фанда кашф қилинмаган.

Лондон сафаридан сўнг Искандар Мирабдуллаев шуни қониқиш билан ҳис қилдики, Ўзбекистонда қисқичбақасимонлар фаунаси бўйича тўпланган материаллар инглиз зоологларникидан анча бой ва кўп экан.

Профессор Бокшалл қисқичбақасимонлар ҳаётини ўрганиш бўйича тадқиқотчилар гуруҳини вужудга келтирганидан И.Мирабдуллаев чексиз ҳайратга тушди. Туркия ва Египетдан борган аспирантлар ҳам бу музейдан у-бу ўрганиб кетиш учун келган эканлар. Унга турк аспирантининг илмий изланишлари маъқул келди. Ёш зоологнинг номзодлик диссертацияси айрим докторлик ишларидан устунроқ бўлиб тюлди.

Париж Миллий тарихий музейи ҳам Лондонникидан қолишмас, олимларнинг ўз ишига ўта берилганликлари, теварак-атрофга бефарқ эмасликлари кишини ҳайратга соларди. Жозибадор ва ёш аёл доктор Дефай Парижда юксак мавқега эга, зоология фанига умрини фидо этган. Профессор Дюссар билан танишувда, мулоқот чоғида И.Мирабдуллаев франциялик зоолог олимлар имконият ахтариб ишлашга ўч эканликларига иқрор бўлди. Яъни улар ишлаётган бино эски, анчадан бери ремонтталаб бўлса-да, Лондондаги музейдан қолишмайдиган даражада материаллар мавжуд эди.

Соатлаб чойхўрлик қилиш. Кун бўйи гап сотишдан чарчамаслик. Қонуний дам олиш кунлари, албатта, ҳордиқ чиқариш. Маош олиш учунгина келиб-кетиш...

Вашингтон, Лондон, Париж шаҳарларига қилган зиёрати Искандар Мирабдуллаевнинг кўз ўнгида ҳеч қачон шу каби манзараларни пайдо қилмади. Уларнинг вақтлари зиқ, энг қимматли дақиқаларини ишга ва фақат ишга сарфлайдилар. Шанба-якшанба кунлари ҳам уларнинг аксарияти уйрўзғор, бола-чақа ташвишини йиғиштириб, илмий изланишларига шўнғийдилар.,

Хориждаги ҳаётга, у ерда яшовчиларнинг турмуш тарзларига кўпчилигимиз ҳавас қиламиз. Аслида уларда бор нарса бизда ҳам мавжуд. Улар қўл урган соҳалар бизга ҳам янгилик эмас. Фақат биз улар даражасига ҳали эришган эмасмиз.

Гап бунда ҳам эмас, Ўзбекистон олимлари қизиқмаган, кириб борма-ган соҳанинг ўзи йўқ. Шу маънода хорижликларнинг юртимизга келиб, айрим ютуқларимизга ҳам бериб кетаётганлиги ҳам рост.

Зеро, нинна билан қудуқ қазиш, унинг тагидан дуру жавоҳир топиш осонми? Бунга журъати етган кишигина қўл уради. Ҳикоямиз қаҳрамони Искандар Мирабдуллаев журъати ноёб шундай инсонлардан бири эканлигига тан бергандирсиз.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА.

Totli ta'til

ГАШТИ ЎЗГАЧА

Хазонли хиёбон. Кузнинг салқин шабадасига юз тутиб, дарахтлардан «ёғилаётган» зангори баргларга термулиб, умрнинг ўтиб бораётган дақиқалари ҳақида ўй сурянман. Хаёлларга берилиб, қанча муддат ўтирганим ёдимда йўқ, шу пайт бир тўда болаларнинг шовқини ўйларимни хазон барг мисоли тўзғитиб юборди...

Ҳа, ҳозир уларнинг кузги таътиллари-ку, ахир. Шунинг учун бўлса керак, улар табиат қўйнига шошилишган. Қайсисининг-дир қўлида копток, қайсисида фотоаппарат. Яна кимдадир теннис коптокчаси... Бир нечтаси тез айтишга баҳслашса, яна бировлари қўлларида китоб тутганча шовқиндан чеккароқда мутолаа билан банд.

Шу кун мени ҳам болалигим ёдимга тушди. Улар билан пойтахтимиздаги янги қуриб битказилган ҳайвонот боғига бордим. Эҳ-ҳе, у ердаги болаларнинг ҳар галгидан ҳам кўплигини айтмайсизми? Томошабинлар кўплигидан ҳайвонот боғи ходимларининг ҳам кайфияти чоғ. Болаларнинг кузги таътили сабаб, болаликка қилган саёҳатим мени эртанги кун сари янада илдамроқ қадам ташлашга ундади.

Норали ОЧИЛОВ.
Абдул Ғани ЖУМА олган суратлар.





Ko'ngil bitiklari

АРДОҚЛИ ИНСОН

Устозим М. АЗИЗОВАга

Меҳри дарё, қалби соз,
Ҳар каломи дилнавоз,
Кўнгли мудом баҳор, ёз,
Сизсиз, меҳрибон устоз!
Бошимдан ўргулурсиз,
Қалб қўрингиз берурсиз,
Яшаб бўлмас гурурсиз,
Меҳнатдан — ҳурмат, эъзоз.
Элнинг чароғбонисиз,
Ардоқли инсонисиз,
Одоб илмин конисиз,
Фазлу адабда мумтоз.
Ҳамиша бўлинг бардам,
Соғу саломат ҳар дам,
Халқ фарзанди — чин одам,
Лочиндек қилинг парвоз!
Онам каби билурман,
Пандингизни олурман,
Йўлингизга солурман
Жоним қилиб поёндоз.

БУ КЎНГИЛ

Шунчалар зебо экансан,
бўлди пайванд бу кўнгил,
Ҳуснда танҳо экансан,
бўлди пайванд бу кўнгил.
Шамсу анбар мафтун эрмиш
ул чароғон ҳуснингга,
Бу қадар барно экансан,
бўлди пайванд бу кўнгил.
Сен каби жон роҳати
ҳеч бир диёрда учрамас,
Булбулигўё экансан,
бўлди пайванд бу кўнгил.
Гул каби гулгун ёниб,
гуллар аро кўрдим сени.
Гулга сен шайдо экансан,
бўлди пайванд бу кўнгил.
Интизор Илҳом сенга,
васлинг ҳумор этгай мудом,
Оқилу доно экансан,
бўлди пайванд бу кўнгил!

Илҳом ЖАЛОЛОВ,
Ургут туманидаги 36-ўрта мактабнинг тил-адабиёт ўқитувчиси.

Sport

«ТЕМИРЙЎЛЧИ» ОЛИЙ ЛИГАДА

Футбол бўйича мамлакат чемпионати биринчи лига командалари ўз мавсумини тугатишди. 42 учрашувнинг 27 тасини ғалаба билан якунлаган Қўқоннинг «Темирйўлчи» командаси 90 очко тўплаган ҳолда олий лигага чиқди. Қўқонликлар рақиблари дарвозаларига ҳаммаси бўлиб 101 гол киритиб ўз дарвозаларидан 39 тўп ўтказиб юборишди.

БЕКОБОДДА БАЙРАМ

6-футбол мавсумини биринчи лига командалари сафида ўтказган «Металлург» (Бекобод) ҳам келгуси йилдан бошлаб олий лигада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Улар мавсумни иккинчи ўрин билан тугатишди. Умумий натижаси 42 учрашув, 27 ғалаба, 6 дуранг, 9 мағлубиятдан иборат. Очколари миқдори эса 87 та.

ОЛТИНЧИСИ КИМ?

Биринчи лигани мавсум давомида энг паст натижага эришган 6 команда тарк этишга мажбур. Ҳозирча уларнинг бештаси аниқ: «Бўкалик», «Нефтчи», «Дўстлик», «Зафар» ва «Пахтаобод». 16-17-ўринларни эгаллаган «Шаҳрихон» ва «Боғдод» командалари учрашув ўтказишади. Ғолиб биринчи лигада қолади. Мағлуб эса хайрлашади. Демак олтинчи омадсиз команда ҳозирча номаълум.

КАФЕЛЬНИКОВ ФРАНЦИЯДА

Теннис устаси Евгений Кафельников (Россия) мукофоти 2 миллион 550 минг долларлик йирик мусобақада навбатдаги ғалабасини қўлга киритди. 1997 йил Ўзбекистон Республикаси «Президент кубоги» мусобақасининг ғолиби, инглиз Тим Хенман эса испаниялик Корреджага ютқазиб қўйди.

ШАХМАТ БЕЛЛАШУВИ

Швейцарияда командалар ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионати қизғин паллага кирди. Ҳозирча АҚШ терма командаси очколар ҳисобида олдинда бормоқда. Сўнгги учрашувда улар грузияликларни мағлуб этди. Иккинчи, учинчи ўринларни эса Россия, Англия, Арманистон шахматчилари эгаллаб турибди.

maydonchasi

(Боши 1-бетда).

барҳам бериш ҳақида кўп гапирилаяпти. Жойлардаги халқ таълими органлари раҳбарлари бундай лоқайдликларга барҳам беришлари ва спорт оммавийлигига эътиборни кучайтиришлари зарур.

— Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг XIV республика, касб-ҳунар мактаблари ва лицейларнинг I «Қувноқ стартлар» мусобақалари якупланиб, навбатдаги мусобақалар финал беллашувлари бошланди. Якун ва режалар ҳақида фикрларингизни эшитмоқчийдик.

— Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, финал мусобақалари ҳамиша қизғин курашлар остида ўтиб келаётир. Ўтган уқув йилидаги «Қувноқ стартлар» мусобақасида Жиззах туманидаг 13-мактаб командаси муносиб равишда республика чемпиони бўлди. Қоғон туманидаги 3-мактаб спортчилари иккинчи, Самарқанд ва Сирдарё вилояти вакиллари учинчи ўринларни эгаллашди. Касб-ҳунар мактаблари ва лицейлар ўртасидаги финал мусобақасида Хоразм вилояти Хонқа туманидаги касб-ҳунар лицейи жамоаси биринчи ўринни, Қашқадарё вилояти Ғузор шаҳридаги касб-ҳунар мактаби спортчилари иккинчи ўринни қўлга киритишди.

— Сиз, Маҳамадали ака, финал мусобақаларини ўтказишда бевосита раҳбарлик вазифасини бажариб келаётирсиз. XV республика «Қувноқ стартлар» телевизион мусобақаси Низомига баъзи ўзгартиришлар киритилибди. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

— Мусобақаларда норозилик ва эътирозларга чек қўйиш, беллашувларда спорт қоидаларига қатъий амал қилиш мақсадида Низомга айрим қоидалар жорий этилди. Низомда қайд этилганидек, «Ғолиб жамоалар мусобақа дастурига киритилган ўйинлар, эстафеталар, конкурслар ва ҳоказо машқларда тўпланган очколар йиғиндисига қараб аниқланади. Ҳар бир эстафета, ўйин 10 балл билан баҳоланади. Якка беллашувларга ва дурангга 5 балл берилади. Эстафета ва ўйинларда ҳар бир қатнашчининг йўл қўйган хатоси жюри томонидан ҳисобга олиб борилади. 1 та хато учун 2 баллдан олиб ташланади. Майдонда мусобақани бошқариб бораётган бош ҳакам қайси команда машқни хато бажарса, сариқ карточка кўрсатади. Агар бир ўйинда икки марта хато такрорланса, у қизил карточка кўрсатади. Бу икки баллик жаримани билдиради. Касб-ҳунар мактаблари ва лицейларининг дастурига, касбига йўналтирилган амалий машқлар мажмуаси киритилади.

Касб-ҳунар мактаб ва лицейлари эса 4 ҳудудий гуруҳга бўлинган ҳолда айланма тизимда беллашишади. Ҳудудий гуруҳ ғолиблари финал ўйинларида қатнашишади.

1-ҳудудий гуруҳга Фарғона, Андижон, Наманган, 2-ҳудудий гуруҳга Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри, Сирдарё, Жиззах, 3-ҳудудий гуруҳга Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, 4-ҳудудий гуруҳга Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси киритилган. Мусобақалар апрель-май ойларида ўтказилади.

— Илгарилари мусобақаларда 5-синфдан битирувчи 11-синфгача ўқувчилар иштирок этарди. Янги қоидаларга кўра мусобақаларда иштирок этувчилар таркиби қандай?

— Финал мусобақаларида V—IX синфлардан ҳар бир синфдан тўрттадан (шулардан 2 таси қиз болалар), 4 та заҳирадаги ўйинчи — жами 24 ўқувчи иштирок этади. Касб-ҳунар мактаблари, лицейларидан 1—2-курс талабаларидан 20 нафар ўқувчи (10 нафар ўсмир, 10 нафар қиз) қатнашади.

Шунингдек, жамоа таркибида биттадан жисмоний тарбия ўқитувчиси, маънавият ва маърифат бўйича директор ўринбосари, шифокор, халқ таълими органи вакили, спорт-бадиий кўргазмали чиқиш вакиллари, жами 28 кишидан иборат бўлади.

— Маҳамадали ака, XV республика «Қувноқ стартлар» телевизион мусобақаларини уюшқоқлик билан ва мазмунли ўтказиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилаётир?

— Ҳар бир ишда бўлганидек, телемусобақаларни қизиқарли ва мазмунли ўтказиш ижодий изланиш, ташаббускорликни талаб этади. Юқорида қайд этилганидек, янги Низом асосида ишни янада жонлантиришимиз, сценарийларнинг пухта бўлишига, миллий спорт турлари ва халқ ўйинларининг мусобақа дастуридан кенг ўрин эгаллашига эътиборни кучайтиришимиз лозим. Биз бу вазифани бажаришда қўшма қарор ва Низомга қатъий амал қиламиз.

— 1997—98 йилларда касб-ҳунар мактаблари ва лицейлари ҳудудий мусобақаларини ўтказиш кўзда тутилган. Бунда ҳакамлик масалалари қандай ҳал этилади?

— Биз ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъати таркибини тасдиқлашда пойтахтимиздаги республика халқ таълими органлари, илмий муассасалар мутахассислари билан бирга вилоятлардан жисмоний тарбия ўқитувчиларини ҳам кўзда тутганмиз. Жойларда ўтказиладиган ҳудудий мусобақаларда майдонда ҳар икки команда учун холис ҳакамлик қилувчилар ҳаракат қилишади.

— Ўринсиз норозилик ва команда вакилларининг мусобақа давом этаётганида одобга хилоф хатти-ҳаракатларини қандай баҳолайсиз? Бунинг олдини олиш чоралари кўрилаётирми?

— Саволингиз жуда ўринли. Аввалги йилларда вилоятлардан келган айрим халқ таълими органлари ходимлари, мактаб маъмурияти вакиллари майдондаги ҳакамларнинг мусобақа қоидаси бузилганида талабчанликларига эътироз тариқасида одобга хилоф хатти-ҳаракатларга йўл қўйишди. Биз мусобақадан бир кун аввал ўтказиладиган мандат комиссияси йиғилишида мусобақада юзага келадиган норозилик юзасидан бош ҳакам номига шикоят ёки ариза мусобақа тугагандан кейин бир соат ичида берилиши лозимлигини ва шикоят 24 соат ичида кўриб чиқилишини тушунтирамиз. Мусобақаларни тартибли ўтказиш юзасидан ҳакамлар ҳайъати ва майдондаги ҳакамларга, шунингдек, назоратчи ҳакамлар масъулияти кучайтирилганлиги ўз самарасини беради деб ишонамиз.

— «Қувноқ стартлар» мусобақалари ўқувчилар орасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш омили экан, унинг пойдевори олдидан ҳозирланиши юзасидан бошланғич синфлар ва болалар боғчаларида олиб борилаётган ишлар қай аҳволда?

— Республикамизда соғлом авлодни тарбиялаш тўғрисидаги дастурда болаларни ҳар томонлама чиниқтириш масаласига алоҳида эътибор берилган. Жойларда бошланғич синф ўқувчилари ўртасида спорт фестиваллари, спартакиада ва «Футбол ғунчалари» мусобақалари, «Соғломжон-полвонжон» кўрик-танловлари ўтказиш одат тусига кира бошлаган эди. Айниқса, шаҳар ва туман марказларида уюштирилган бундай тадбирлар спорт байрамига айланиб кетар, ота-оналар, жамоатчилик вакиллари болалар шодлигига шерик бўлишарди. Албатта, бундай тадбирлар осонлик билан рўёбга чиқмайди. Жойлардаги халқ таълими органлари кенг жамоатчилик билан ҳамжиҳатликда соғлом авлодни тарбиялаш юзасидан жиддий шуғулланишлари керак.

— XV республика «Қувноқ стартлар» мусобақаси IV босқич саралаш ўйинлари бошланди. Илк натижалар қандай?

— «Қувноқ стартлар» мусобақаси янги Низом асосида ўтказилди. Бу беллашувда Қорақалпоғистоннинг Беруний шаҳридаги 4-мактаб жамоаси Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидаги 35-мактаб командаси билан майдонга тушиб, кўп жиҳатдан устунликка эга эканлигини кўрсатди ва берунийлик спортчилар кейинги давра мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

«Қувноқ стартлар» мусобақаси ўз номи билан қувноқлик беллашуви. Майдонда тўсиқлардан сакраб, умбалоқ ошиб югураётган, қўлидаги тўпни аниқлик билан тўрга ташлаётган, маррага биринчи етиб келган спортчини командадошлари ҳам, мухлислар ҳам, «зангори экран» ортидаги томошабинлар ҳам олқишлаётгани қандай завқли, ёқимли. Баъзан мусобақа қатнашчисининг битта хатоси битта дастурда бутун команданинг мағлубиятига сабаб бўлади. Тўғри эмасми?

— Жуда тўғри. Мусобақа ўтказишдан мақсад чаққонлик, абжирлик, ирода кучини намойиш этишдан иборат. Шунинг учун «Қувноқ стартлар», «Соғломжон — полвонжон» мусобақалари ва кўрик-танловларини жойларда оммавий равишда ўтказиб турсак, зиммамиздаги бурчни адо этган бўламиз.

Суҳбатдош Ғафур МАННОПОВ.

«ҚУВНОҚ СТАРТЛАР» — ҲАР БИР ЎҚУВЧИ ҚАТНАШАДИГАН МУСОБАҚА

QUTLOV

Ҳурматли ҳамкасбимиз Райим УМИРОВ!

Сизни киши кўнглига ажиб ва маъсум ҳис-туйғуларни бахш этадиган — туғилган кунингиз билан табриклаймиз.

Эзгу ишингизга ҳамиша муваффақият, танингизга сиҳат-саломатлик эш бўлсин.

Нуробод тумани халқ таълими бўлими жамоаси.

Hodisa

УЛУҒБЕКНИНГ «РАНДА»СИ

Андижондан Наманган орқали ўтиб, Тошкентга кетаётган 658-поезднинг юриши Чортоқ бекатига яқинлашганда секинлашди. Чунки темир йўлнинг бу қисми паст тезликда юришни талаб қилгани учун ҳам ҳайдовчи поезд тезлигини пасайтирган, поезд аста-секинлик билан ўрмалаб бормоқда эди. Қуёш ботган бўлса ҳам ҳали ёруғ, ҳайдовчига темир излар ялтираб кўринар эди. Чап томондаги из устида қорайиб кўриган нарса шундоқ ҳам хушёр кетаётган ҳайдовчини янада сергаклантирди. У аста-секин тормозни босиб бориб, қорайиб турган нарсага етмасдан поездни тўхатди.

Тепловоздан тушиб, темир йўлда турган нарсани кўрдию ранги ўчиб, оёқ-қўллари қалтираб кетди. Не кўз билан кўрсинки, темир йўл устида бошмоқ турар эди. Бошмоқ — вагонларни бир-биридан ёки тепловоздан ажратиш пайтида ишлатиладиган махсус темир мослама бўлиб, у вагон ғилдираги билан из орасига худди пона сингари қўйилади, у асосан темир йўл бекатларида темир йўлчилар томонидан вагонларни тормозлашда ишлатилади. Демак, тепловоз ҳайдовчисининг ранги бекорга ўчиб кетмаганлигининг сабаби ўқувчига тушунарли бўлгандир. Чунки... яхшиси бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз.

Темир йўл устига бошмоқ қўйилгани тўғрисидаги хабар наклиёт милициясига етиб келиши биланоқ, ушбу ишни текшириш ва бошмоқ қўйган шахсни аниқлаш учун тезкор қидирув ходимлари ва вояга етмаганлар билан ишлаш назорати ходимлари иштирокида тезкор-қидирув гуруҳи тузилди.

Чортоқ бекатидан Наманган бекатигача бўлган ораликдаги темир йўли аҳоли зич жойлашган ҳудуддан ўтади. Шунинг учун темир йўл бўйларида мол-қўй боқиб ва ўйнаб юрган болаларни тез-тез учратишингиз мумкин. Темир йўл хавфли ҳудуд эканлигини назарда тутган Андижон шоҳ бекати тармоқ ички ишлар бўлими вояга етмаганлар билан ишлаш назорати ходимлари кўп марталаб шу ерлик аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб борганлар. Бу ишга темир йўл атрофларидаги мактаб ўқитувчиларини ҳам жалб қилганлар. Ўқитувчилар мактабда бўладиган ота-оналар йиғилишларида, якка суҳбатларда ота-оналарни ўз фарзандларини темир йўл атрофларида ўйнашларига йўл қўймасликка чақирганлар. Бу ишларнинг ҳаммаси, энг аввало, болалар саломатлигини ўйлаб, қолаверса, темир йўлда бахтсиз ҳодисалар рўй беришининг олдини олишни кўзлаб амалга оширилган, албатта.

Энди юқоридаги воқеага қайтайлик. Бошқалар билан қўйларини боқиб юрган Улуғбек темир йўл атрофида у ёқдан — бу ёққа ўтар экан, ўтлар орасида занглаб ётган темирни кўриб қолди. У темирни айлантириб кўраркан, худди рандага ўхшар экан, деб ўйлади. Улуғбек «ранда»ни темир йўл устига қўйиб, ўзича бир-икки ишқаласа керак, деган фикр келди миясига. Шу пайт тинчгина ўтлаётган қўйлари нимадандир чўчиб кетдию, шаталоқ отганича чопиб кетдилар. Хаёли бўлинган Улуғбек қўйлари орқасидан югурди. «Ранда» эса темир йўл устида қолиб кетди. Бор гап — шу.

Энди бир ўйлаб кўрайлик, шу ўринда «ранда»ни темир йўлда қолдириб кетган ўн уч ёшли Улуғбекка бирор айб қўя оламизми? Унга ўхшаб темир йўл атрофида мол-қўй боқиб ёки ўйнаб юрган Улуғбеклар қанча? Агар буни республикамиз миқёсида ўйлаб кўрсак, аҳоли темир йўл атрофларида яшайдиган жойнинг ҳаммасида ҳам шундай воқеа рўй бериши мумкин эди-ку!

Азиз ота-оналар, кўзимиз оқу қораси бўлган фарзандларимизни темир йўл атрофларида юришларига йўл қўйиб, аввало, уларнинг мурғак ҳаётларини, қолаверса поездлар ҳаракатини хавф остида қолдирмайлик. Ўша Улуғбек йўлида бошмоқ қўйиб кетган поезднинг ўн бештадан ортиқ вагони бўлиб, ичи йўловчилар билан тўла эди. Худога минг қатла шукрки, уларни ўз паноҳида сақлаган.

Темир йўл атрофларига болаларни яқинлаштирмаслик, бу билан поездларнинг ҳаракат хавфсизлигини сақлаш ва айни пайтда келажагимиз бўлган болалар саломатлигини сақлаш учун кураш, фақат мактаб ўқитувчилари ёки милициянинг вояга етмаганлар билан ишлаш нозирларининг иши бўлиб қолмаслиги, бу нарсага ҳаммамиз лоқайд муносабатда бўлмаслигимиз керак.

Фахриддин АБДУРАЗОҚОВ,
наклиёт ИИБ ходими.

Xullas...

СИЗ КОСМОСГА УЧМОҚЧИМИСИЗ?

ёхуд ҳақиқатга айланаётган орзу

Агар сиз космоса учмоқчи бўлсангиз, яна озроқ сабр қиласиз. Чунки 2001 йилда ушбу орзуингиз амалга ошиши мумкин. Сиэтлдаги «Заеграхм экспедишенз» компанияси ходимлари ҳозир бу борада изланишяпти. Аммо бунинг учун бир неча шартларга кўнишга тўғри келади. Аввало сизда 98 минг АҚШ доллари бўлиши керак. Бундан ташқари зудлик билан астронавтларни тайёрлаш космик институтида 3 кун ўқитишингизга ҳам тўғри келади. Ана ундан кейин сиз космик кемада парвоз қилишингиз мумкин.

Ҳозирнинг ўзида келажакдаги космик «саёҳат»га 15 киши ёзилиб, ўзлари учун ўрин тайёрлаб қўйишибди. Демак, таҳририятимизга келиб, бизларни йиллар ўтиб одамлар бошқа сайёраларга кўча бошлайди, дея ишонтиришга уринаётган Раҳматилла аканинг гапида жон борга ўхшайдиёв.

«ТИРИЛГАН МУРДА»

Ажабланманг ва бу «Ғафур Ғулом асари ҳақида экан-да», деб ҳам ўйламанг. Чунки «тирилган мурда» биздан анча йироқда — Полденавой қишлоғида яшайди. Нафақахўр И.Другов анча вақт ўз нафақа пулини ололмади. Аввал у пулларни давлат идоралари ушлаб қоляпти, деб ўйлади. Аммо нафақадан дарак бўлавермагач, бу ҳолни аниқлаш учун маҳаллий алоқа бўлимига учрашди. Кейин билса жаноб Иванжон аллақачон ўликлар ҳисобига киритилиб қўйилган экан. Нафақахўр ўзининг тирик эканлигини алоқа бўлими ходимларига ишонтиргандан сўнг уни тириклар қаторига қўшишди. Ана энди «тирилган мурда»ни англагандирсиз.

УХЛАДИ ВА УЙҒОНМАДИ

Малышева қишлоғида яшовчи ўн саккиз ёшли йигитча куз изғирининг илк қурбони бўлди. Шу тун Н.дўстлари билан бир оз кўнгил очди. Ўйинкулги қилди. Сўнг бир ўзи яқин атрофдаги боғчада дам олиш учун ўтириб, пинакка кетди. Шу куни қишлоқда ҳаво ҳарорати — 5 градуҳ атрофида эди. Эрталаб эса йўловчилар Н.ни қимир этмай ётганини кўришди. Йигитча кузнинг изғиринига чидай олмай совуқдан ўлиб қолган экан.

ana shunaqa gaplar

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими жамоаси 136-мактаб директори Шоира Маликовага онаси

Қутби ая АБИЛОВА вафоти муносабати билан чуқур ҳамдарлик изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Норали ОЧИЛОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0749. Тиражи 21.111. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6